“O'zkimyosanoat” aksiyadorlik jamiyati “Maxam-Chirchiq” AJ tashkil topganligining 80 yillik yubiley bayrami bilan tabriklaydi

// 06.11.2020
https://uzkimyosanoat.uz/oz/press/news/mxm-pozdravlenie-80-let

Uzkimyosanoat
AKSIYADORLIK JAMIYATI

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти “Maxam-Chirchiq” АЖ 80 йиллик юбилей байрами билан табриклайди

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти мамлакатимиз кимё саноатининг етакчи корхоналаридан бири “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамияти ташкил топганлигининг 80 йиллик юбилей байрами билан табриклайди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларни самарали амалга ошириш ҳамда республикамиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамияти алоҳида ўринга эга.

Корхона Марказий Осиёдаги азотли минерал ўғитлар ишлаб чиқарадиган биринчи корхона ҳисобланади. 1940 йилда ишга туширилган корхона Ўзбекистонда кимё корхоналарининг тўнғичи бўлиб, Чирчиқ шаҳрининг барпо этилишига сабаб бўлган. 1932 йилда Чирчиқ азотли минерал ўғитлар заводини қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу йилдан корхона Чирчиқ Электрокимёкомбинати деб номланди. Хорижий инвестор “Maxam Corp. S.A.U.” корпорацияси томонидан заводнинг акциялар пакети сотиб олингандан кейин корхона “Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамияти деб қайта номланди.

Мустақиллик йилларида “Maxam-Chirchiq” АЖ мамлакатимизнинг илғор кимё саноати компаниялари қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, минтақадаги энг йирик ва ишончли саноат корхоналаридан бирига айланди.

“Maxam-Chirchiq” акциядорлик жамияти, унинг кўп минг сонли ва кўпмиллатли меҳнат жамоаси ўзининг эришган ютуқлари билан нафақат Тошкент вилояти, балки мамлакатимизда юксак эътибор ва эҳтиромга сазовор бўлди. Зеро, бир-биридан кўркам замонавий бино ва иншоотлар, маданият ва спорт объектлари, таълим муассасалари, дам олиш ва соғломлаштириш масканларига эга Чирчиқ шаҳрининг вужудга келиши ва тараққий этишида корхонанинг ҳиссаси беқиёсдир.

Мамлакатимиз кимё саноатининг энг йирик, етакчи ва илғор корхоналаридан бири ҳисобланган “Maxam-Chirchiq” АЖ жамоаси маррани баланд олиб, фидокорона меҳнати билан иқтисодиётимизни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 10 ой якунлари бўйича корхона томонидан ишлаб чиқариш режаси 114,8%га бажарилди ва 1,94 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўн иккита давлатга жами 20,9 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинганлиги фикримизнинг исботидир.

Мамлакатимизда стратегик ислоҳотларнинг янги босқичи бошланган бугунги кунда иқтисодиётимиз учун муҳим аҳамиятга эга ва турли даврларга мўлжалланган дастурларнинг корхона ҳаётига изчил татбиқ этилиши янгидан-янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга кенг имкониятлар яратмоқда.

Яна бир бор “Maxam-Chirchiq” АЖ ташкил топганлигининг 80 йиллиги байрами билан самимий табриклаган ҳолда, масъулиятли фаолиятингизда куч-қувват, фидокорона меҳнатингизга улкан зафарлар тилайман. Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файзу-барака аримасин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти жамоаси







